


Навои

Алишер Навоий номидаги

Давлат адабиёт музейи

Государственный музей литературы

им. Алишера Навои



Камолиддин Беҳзод. Рассомнинг бу
ягона суратини Табриздаги шогирд-
ларидан бири 1525 йилда чизган.

Камалиддин Бехзад. 1525 г. Единст-
венное изображение художника, ра-
бота одного из его учеников в Теб-
ризе.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД КАМАЛИДДИН БЕХЗАД

[1455—1537]

Ўзининг нозик санъати, ажойиб маҳорати, тақрорланмас гўзал ижоди билан нафакат Шарқ халқлари, балки бутун жаҳон халқлари маданиятида унтутилмас изқолдирган, улкан истеъод эгаси, забардаст санъаткор Камолиддин Беҳзод 1455 йилга яқин Ҳиротда камбағал ҳунарманд оиласида дунёга келди.

Беҳзод ота-онасидан жуда эрта ажралди. Уни Ҳусайн Бойқаронинг китобдори (кутубхоналар бошлиги) Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб вояга етказди ва Ҳиротдаги «Нигористон»да (санъат академиясида) унга наққошлик ҳунарини ўргатди. Ёш Камолиддин рассомлик санъатига қатиқ қизиқди. Кўп ўтмай, у бутун қобилияти ва истеъоди билан кишилар этиборини жалб этиб, илм-фан, санъат ва адабиёт ахллари орасидан муносиб ўрин олди.


XV аср Ҳирот адабий, бадиий-илмий, санъат ва маданият оламида етишиб чиққан жуда кўп сиймолар сингари Беҳзод ижодий камолотида ҳам Алишер Навоий ҳал қилювчи роль ўйнаган.

Беҳзод 1510 йилларга қадар Ҳиротда яшаб, ижод этди. Кейин у Табризга (Озарбайжонга) борди ва кутубхонага бошлиқ қилиб тайинланди, санъаткорларга эса устозлиқ қилди.

Беҳзод Ҳирот мактаби деб ном таратган янги бир ижодий услубнинг асосчиси бўлди ҳамда устоз санъаткор сифатида Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон ва бошقا ўлкалардаги мусаввирик санъати тараққиётига самарали таъсир кўрсатди. Беҳзод Қосим Али, Султон Муҳаммад, Оқо Мирак, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Унинг асарлари реализм белгилари, ранглар мавзунлиги ва ифодалилиги, чуқур лиризми билан ажралиб туради.

Моҳир наққош ва миниатюра устаси Камолиддин Беҳзод 1537 йил (942 ҳижрий)-да вафот этди.




Камолиддин Беҳзод ўз устози Мирак Наққош ҳузурида. Рассом Жавлон Умарбеков.

Камаллидин Бехзад у своего учителя Мирак Наккаша.
Художник Джавлан Умарбеков.

Алишер Навоий ва Камалиддин Бехзод. Рассом Темур Саъдуллаев.

Алишер Навои и Камалиддин Бехзад.
Художник Тимур Сагдуллаев.



Беҳзод ишлаган бир қатор суратлар (масалан, шоир Абдулло Хотифий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон портретлари, Саъдийнинг «Бўйстон» китоби, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари, Ҳусрав Деҳлавий ва Низомийнинг «Ҳамса»ларига ишланган иллюстрациялар ва бошқалар) бизгача етиб келган. Улар ўтмиш санъатининг нодир ёдгорликлари сифатида сақланмоқда.

Камалиддин Бехзад своим огромным талантом, высоким мастерством, неповторимым творческим наследием оставил заметный след в истории культуры не только народов Востока, но и всего мира. Непревзойденный мастер изобразительного искусства — миниатюры, Бехзад родился в 1455 году в городе Герате в семье бедного ремесленника.

Камалиддин Бехзад рано осиротел и воспитывался главой придворной библиотеки Хусейна Байкары известным художником Мирак Наккашем. У него молодой Бехзад постигал секреты изобразительного искусства своего времени. Он быстро завоевал признание не только художников, но и ученых.

Как для многих талантливых представителей литературы и искусства Герата XV в. так и для Бехзада в его становлении как художника решающую роль сыграл гениальный Алишер Навои.

До 1510 года Бехзад жил и работал в Герате. Затем он переехал в Тебриз, столицу государства Сефевидов, где был назначен главой тебризской шахской библиотеки.

Бехзад явился основоположником нового творческого направления, получившего название гератской школы миниатюрной живописи, оказавшей значительное влияние на развитие этого вида искусства в Средней Азии, Иране, Азербайджане и других странах. Он передал мастерство своим ученикам, ставшим широко известными: Касиму Али, Султану Мухаммаду, Оку Мираку, Махмуду Музаххибу.

Миниатюры Бехзада отличаются чертами реализма, тонким изяществом рисунка, многогранностью, яркостью и нежностью красок.

Знаменитый мастер миниатюры Камалиддин Бехзад умер в 1537 году (хиджры 942 г.).

До нас дошло немного работ кисти Бехзада, среди которых выразительные портреты поэта Абдулло Хотифи, Хусейна Байкары, Шейбанихана, миниатюры к рукописям «Бустана» Саади и «Ҳамса» Низами и Дехлеви. Сейчас они бережно хранятся как бесценные образцы искусства прошлого.



Камолиддин Беҳзод шогирдлари билан ўз устахонасида. Рассом В. Рейх.

Камалиддин Бехзад со своими учениками в мастерской.
Художник В. Рейх.

ИНСТИТУТ РУКОПИСЕЙ АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

КАМАЛИДДИН БЕХЗАД

Буклет

Составитель И. Ашрапова
Редактор Б. Мураталиев
Худ. редактор А. Ошайко
Техн. редактор Г. Ломиворотова

Сдано в набор 29.12.81. Подписано к печати 27.10.82. Р-16359.
Формат 60×100^{1/8}. Усл. печ. л. 0,14. Уч.-изд. л. 0,33.

Тираж 50000. Заказ № 2571. Цена 10 к.

Ордена Трудового Красного Знамени типография
Издательства ЦК Компартии Узбекистана
г. Ташкент, ул. «Правды Востока», 26.